РеСПР Давлат кутубхонаси
Инв. № 211205
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 14 декабрь, пайшанба. №151. (21.914). Сотувда эркин нархда.

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

СУРАТДА: мажлис пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисда «Миллий хавфсизлик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди, уюшган жиноятчилик ва порага сотилишга қарши курашни янада кучайтириш чоралари, шунингдек жамиятда ҳуқуқ-тартибот ва барқарорликни таъминлаш юзасидан давлатнинг ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Республика Президенти Ислом Каримов мажлисда миллий хавфсизлик соҳасидаги стратегик йўналишларни белгилаб, амалий вазифаларга доир топшириқлар берди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

Истиқлол ва истиқбол

АВТОМОБИЛСОЗЛИК ҚАЛДИРҒОЧИ

Ўзбекистоннинг бўлажак гиганти — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг таржимаи ҳоли мамлакатимиз узра истиқлол эпкини эсган қутлуғ кунларда битилганди. Юртбошимизнинг Жанубий Кореяга ташрифи чоғида сеуллик ишбилармонлар билан бўлган ҳамкорлик ҳаракатлари амалий ишларга кўчди. Андижон вилоятининг Асака шаҳрида қўшма корхонани бунёд этиш учун собиқ Иттифоқ даврида қурилиши бир неча йиллар давомида поёнига етмаган прицеплар заводи мажмуи танланди. Кейин эски корхонанинг асбоб-ускуналари кўчирилди. Бош бино асосига бетон ётқизилди. Ички металл конструкциялар мустаҳкамланди. Жанубий кореялик ҳамкорлар иштирокида қатор инженерлик иншоотлари қурилиши аниқ ўлчамлар билан сифатли бажарилганидан сўнг бошқа ишларга навбат берилди.

56 гектарни ташкил этган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси қурилиши майдонида, ишлаб чиқариш цехларида ўзгача жўшқинлик.

— Қурилиш ишларининг бешдан тўрт қисмидан кўпроғи бажариб бўлинди, — дейди инженер Файзулла Хўжаев. — Дастгоҳлар, конвейер линиялари, асбоб-ускуналарнинг монтажи жадал бормоқда.

«ЎзДЭУавто» бош директорининг ёрдамчиси Инокентий Васильевич Ногай билан қурилиш қўмитасининг инженери Файзулла Хўжаев бажарилаётган ишлар кўлами билан батафсилроқ таништириш учун бунёдкорлик бораётган жойларга бошлади.

Корхона, компрессорлар иншоотини қамраб олувчи дастгоҳларни жиҳозлаш коммунал маркази биносини 2-«Агросаноатқурилиш» трести бинокорлари битказяптилар. «Махсуссаноатмонтаж» бошқармаси инженер-техниклари турли қурилмаларни ўрнатишмоқда. Инструментал цехи қурилишини 3— «Агросаноатқурилиш» трести бунёдкорлари охирига етказяптилар. Бошқа цехларга хом ашё тайёрловчи бу цехда дастгоҳлар пешма-пеш созланяпти.

Ҳар бир жойда қурилиш-монтаж ишларига алоҳида аниқлик, пухталик билан қаралаётгани эътиборли. Долзарб вазифа-атроф-муҳитни муҳофаза этиш учун йирик махсус тозалаш иншооти қурилиши тугалланиб, Жанубий Кореядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Қўшма корхонанинг бош корпуси тўртта-пресслаш, пайвандлаш, бўяш, йиғиш цехларини ўз ичига олганлигини айтиш бу жойнинг нақадар улканлигини ифодалайди. Мутахассисларнинг айтишича, темирйўл билан боғланган пресслаш цехига келтирилган пўлат ўрамлардан улкан пресларда енгил автомобилларнинг турли бўлаклари бичилиб, пайвандлаш цехига узатилади. Бу ерда ишлар асосан роботлар ёрдамида автоматик тарзда амалга оширилгач, автомобиль қисмлари бўяш цехига йўлланади. Бу ерда деталлар силлиқлангач, охорланиб пардозланади.

Йиғув цехида учта линия бор. Буларнинг бирида «Тико» тежамкор автомобили, бошқасидан «Дамас» микроавтобуси, кейингисидан эса, ҳозир жаҳон бозорида харидорлар суюб сотиб олаётган «Сиела» олий классли — «учар қуш» тушади. Қўшма корхона тўла қувват билан ишлаганида бир кеча-кундузда 600 та автомобиль тайёрланади.

«ЎзДЭУавто» маҳсулотлари жаҳон автомобиль дунёсида қатор устунликларга эга бўлади. Ёнилғи сарфлашда тежамкор, тезюрар, ихчам. Замонавий «Тико» оммабоп бўлса, «Дамас» кичик жамоаларга, серфарзанд оилаларга манзур бўларли. Салонига бир неча йўловчи олиб, иккита енгил автомобилнинг ўрнини бемалол босаверади. «Сиела»нинг яна ўзига хос қулайликлари борлиги ишқибозлар эътиборини тортади. «ЎзДЭУавто» автомобилларини қанча таърифласак - оз.

Қўшма корхона барпо бўлиши билан юртимизда миллий автомобилсозлик саноати ва касби қарор топмоқда. Минглаб ёш инженер-техник ходимлар Жанубий Кореяда машҳур «ДЭУ» фирмаси корхоналарида илғор технологияни ўрганиб, малака ошириб келдилар. Улар ҳозир қурилиш-монтаж ишларида фаол иштирок этмоқдалар.

— Жанубий Кореяда бўлганимизда Ўзбекистон Президенти келажакни, Ўзбекистоннинг равнақини ўйлаганини дилдан ҳис этдик, — дейди пресс технологияси ва таъмири бўйича масъул инженер Дониёрбек Тўйчиев. — Юртимизда қурилаётган қўшма корхона туфайли жаҳон илғор технологияси билан танишдик. Йиллар ўтади, мустақил мамлакатимизнинг гигант қўшма корхонасининг дастлабки мутахассисларидан бўлганимиз билан ғурурланиб яшаймиз.

Янги барпо бўлаётган қўшма корхона мамлакатимиз иқтисодиётида қандай ўрин тутади?

«ЎзДЭУавто»нинг мамлакатимиз иқтисодиёти ва тараққиётида тутган ўрни беқиёс бўлиши кутилмоқда. Андижон, Асакадек аҳолиси зич жойда улкан гигант ишга туширилиб, минг-минглаб кишилар муқим ишли бўладилар. Қўшма корхона билан ҳамкорликда 50 га яқин катта-кичик корхоналар ишлайдилар. Ҳозирданоқ бу йўналишда ҳамкорликнинг дадил қадами ташланмоқда. «Андижонирмаш» заводида автомобиль ўриндиқлари, Жалолқудуқ туманидаги корхонада шарикли подшипниклар, «Андижонқурилиш» ҳиссадорлик жамиятида бўёқлар, Қувасойдаги заводда ойналар тайёрлаш бўйича шартнома ишларини рўёбга чиқариш режаланяпти. Мана шу ҳаракатлар амалга ошгач, қўшма корхонада тайёрланган автомобилларнинг таннархи кейинчалик анча арзонлашади. Кўплаб корхоналар мустаҳкам алоқада ҳамкорлик қилувчи шерик топиб доимий ишчи ўринларига эга бўладилар. «ЎзДЭУавто»ни гўё Андижонда автомобиль саноатининг юраги деб қиёсласак, ҳамкор корхоналар унга қувват берувчи «қон томирлар»га айланадилар. Ана шу «қон томирлар» улкан «юрак»ка пайвандланадиган кунлар узоқ эмас.

Кўпчиликни «ЎзДЭУавто» автомобилларини мамлакатимиз қўчаларига қачон чиқиши қизиқтиради. Мустақиллигимизнинг тўртинчи йили оҳиригача қурилиш-монтаж ишлари тугалланади. 1996 йилнинг бошида автомобилларни синов тарзида йиғиш бошланади. Улуғ айём «Наврўз» байрами арафасида қўшма корхона конвейеридан дастлабки автомобилларни чиқариш мўлжалланяпти. 1996 йилнинг ярмига бориб корхона узлуксиз маҳсулот бера бошлайди. Дастлаб «ЎзДЭУавто»да бир йилда 200 минг дона енгил автомобиль тайёрланади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Иқтисодиёт олами • *Иқтисодиёт олами* • *Иқтисодиёт олами*

ФАБРИКА ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚМОҚДА

«Сурхонтекстил» ҳиссадорлик жамиятининг (Жарқўрғон тумани) тўқув цехига СТБ русумидаги 6 та дастгоҳ ўрнатилди. Бу дастгоҳ билан энди 4744- артикулли мато тўқиб чиқарила бошланади. Ҳадемай фабрика бу мол билан жаҳон бозори остонасини ҳатлай олади.

Ўрнатиш, фойдаланиш тавсияларини мутахассислар ўрганиб чиқишди, бу дастгоҳларда ишлаш олдидан тўқувчилар қайта ўқитилди. Малакаси оширилди.

— Яқин вақт давомида бутун тўқув цехини экологик қулай, шовқини паст шу дастгоҳлар билан тўла жиҳозлаб чиқамиз, — дейди жамият раиси Маматёқуб Маҳмудов.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАШИНАСИНИ ҚЎЙГА АЛМАШТИРГАН ФЕРМЕР

Бугунги кунда эскичасига яшаб бўлмайди. Тадбиркорлик билан иш юритиш пайти келди энди. Бизда эса ҳалиям айрим кишилар давлатдан ёрдам сўраб юрипти. Қўшработлик Раббим Дўстқулов деҳқон хўжалигини ташкил этишда бошқача йўл танлади. Айримларга ўхшаб банкма-банк маблағ сўраб юрмади.

«Жигули»сини сотиб мол-қўй олганди...

Мана, у айни кезда 10 та болалар боғчасини, 2 та касалхонани гўшт, сут билан таъминламоқда. Уни ҳақиқий тадбиркор деса бўлади!

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚОРОВУЛБОЗОРДА УЛКАН КОРХОНА

Бундан икки йил илгари Қоровулбозорда мамлакатда ягона йирик нефтни қайта ишлаш заводи қуриларкан, дейишса асло ишонмасдик.

Бугун бу ерга орқасига турнақатор бўш ёнилғи сиғимларини тиркаб олган поездлар келса, иккинчи томондан эса сон-саноқсиз вагонларда конденсатга тўла поезд Фарғона томон йўл олмоқда. Ҳар кеча-кундузда 3,5-3,8 минг тонна конденсат Кўкдумалоқдан эстакада ёрдамида водийга жўнатиб турилмоқда.

Майдони 300 гектарни эгаллайдиган корхонада ишлаётган техникалар ҳаракатига қараб одамнинг кўзи қувонади. Ишчилар шижоати, ғайратини айтмайсизми!

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Айни вақтда Чироқчи туманида ўнлаб кичик корхоналар мавжуд. Туман «Бизнес-фонд» бошқармаси тадбиркорлар сафини ўстиришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисобламоқда. Бунинг учун хўжаликларда бизнес мактаби, тадбиркорликни ўргатувчи ўқув курслари ташкил этиляпти.

Яқинда туман «Бизнес-фонд» бошқармаси тадбиркорларнинг «1995 — 2000 йилларга мўлжалланган истиқболли дастури»ни ишлаб чиқди. Ва мазкур дастур китобча шаклида кўп нусхада чоп этилди.

Дастурда беш йил мобайнида 3650 та қўшма, ўрта ва кичик, хусусий корхона қуриш ҳамда ишга тушириш, уларга 15200 нафар ишчини жалб этиш назарда тутилган.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

Газета-журналларга обуна бўлиш қизғин давом этаётган айни кунларда андижонликлар ўзига хос хайрли ишга қўл урдилар. Шаҳар почта корхонаси бошлиғи Юлдузхон Эгамбердиева ходимларни обуна қилдириш ташаббуси билан чиқди. Вилоят почта бошлиғи Каримжон Пўлатов бу таклифни маъқуллади. Обуна бўлиш ишлари ўзига хос қийинчиликларга дуч келиб турган бир пайтда, арғамчига қил қувват деганларидек, Андижон почтачиларидан 300 нафари «Ўзбекистон овози» рўзномасига обуна бўлганликлари айни муддаодир.

Холмурод ҚОДИРОВ.

«Обуна—96»

500 НАФАР ГАЗЕТХОН

Қўқон азалдан теран маърифий анъаналарга эга шаҳар. Бу ерда газета ва журналлар мутолаасига алоҳида аҳамият берадиган маърифатпарвар кишилар кўп. Шу боис 1996 йил учун обуна мавсуми шаҳарда кўнгилдагидек кетяпти. Маҳаллалар, ишхоналарда кўнгилли обуна тарқатувчилар ишлашяпти. Шуниси диққатга сазоворки, қўқонликлардан 500 муштарий «Ўзбекистон овози» газетасига обуна бўлишди.

—Ҳозиргача биз «Ўзбекистон овози» газетасига режадагидан 100 дона кўп обуна уюштира олдик, — дейди ЎзХДП Қўқон шаҳар кенгашининг биринчи котиби С. Мавлонов. — Бунда айниқса Қўқон йўллардан фойдаланиш бошқармаси, тиббиёт билим юрти, 1-пахта тозалаш заводи, Ўзбекистон темир йўли давлат компанияси Қўқон бўлими, «Улуғбек» ҳиссадорлик жамияти каби корхона ва муассасалар, ХДП бошланғич ташкилотлари уюшқоқлик, фаоллик намуналарини кўрсатдилар. Лекин биз эришилган натижа билан кифояланиб қолмаймиз. Севимли газетамиз ўқувчилари доирасини кенгайтириш учун тарғибот ишларини кучайтирамиз.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳисобот — сайлов

ЮТУҚЛАРДА ҲИССАСИ БОР

Бозор иқтисодиёти барча соҳалар каби автотранспорт ходимлари олдига ҳам долзарб вазифаларни қўймоқда. Сирдарё шаҳридаги 2513-автокорхона юқори самарадорлик ва сифатга эътиборни қаратаётган жамоалардан бири. Аҳил жамоада қўлга киритилаётган муваффақиятлар салмоғи тобора ортиб бораяпти. Эришилаётган ютуқларда жамоадаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Корхона бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида бу ҳақда фахр билан гапирилди.

Йиғилишда бошланғич партия ташкилотининг котиби Альфия Гайфитдинова 1991 йил ноябрдан 1995 йил ноябргача бўлган муддат мобайнидаги партия ташкилоти фаолияти юзасидан ҳисоб берди.

Утган муддатда корхонада партия аъзолари 9 нафардан 22 кишига ўсди. Яқинда устахона мудири Ғайбулла Искандаров, механик Шукур Жабборов, уста Баҳром Йўлдошев сингари ёшлар ҳам партия сафига қабул қилиндилар.

Бошланғич партия ташкилоти котибасининг ҳаракатчанлиги, қўйдипишдилиги, тиниб-тинчимаслиги сабабли партия йиғилишлари ўз вақтида, аниқ режа асосида ўтказиб борилмоқда. Йиғилишларда кун тартибига долзарб масалалар қўйилмоқда.

Автокорхонада 296 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг мазмунли дам олишлари учун барча шароитлар мавжуд. Бунда корхона партия ташкилоти фаолияти таҳсинга арзигулик.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида партия аъзолари қўлга киритилган ютуқларни кўрсаттан ҳолда айрим камчилик ва нуқсонлар хусусида ҳам куюниб гапирдилар. Танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган йиғилишда ишчи-хизматчилар муаммолар ечими ҳақида сўзладилар. А. Гайфитдинова яна бошланғич партия ташкилоти котиби этиб сайланди.

А. БУРЛИЕВ.

ТОШКЕНБОЕВЛАР КИЕВДА ЖАҲОННИ ЛОЛ ҚОЛДИРИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг уч йиллиги муносабати билан республикамизнинг Киевлаги элчихонаси томонидан Украина пойтахтида жойлашган элчихона ва халқаро ташкилотлар вакиллари учун байрам тантаналари уюштирилди.

Дунёнинг барча қитъаларидан келган дипломатик корпус вакиллари яна бир бор узбек цирки усталарининг анъаналари билан танишиш имкониятига эга бўлишди. Айниқса, улар Ўзбекистон дорбозлари миллий мактаби усталари — Тошкенбоевлар сулоласи томонидан намойиш этилган томошаларни олқишлар билан қарши олишди.

Киев Давлат цирки гумбазлари остида Ўзбекистон цирк усталарининг кўрсаттан томошаларини АҚШ, Канада, Япония, Россия, Испания, Италия, Куба, Ҳиндистон, Индонезия, Туркия, Хитой, Буюк Британия ва бошқа давлатларнинг вакиллари кўриб лол қолишди, уларнинг маҳоратига таҳсинлар ўқишди.

Ушбу байрам халқлар дўстлигининг ёрқин намойишига айланди. Ҳа, санъат чегара билмайди ва у бугун барча миллат ва халқларни бирлаштириб турибди.



ОҲ, НА ФАҚАТ КУНЛАР ГЎЗАЛ, ШОМЛАР ГЎЗАЛ, ТУНЛАР ГЎЗАЛ!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ!

Газетамизнинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1210, 80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун:
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 483 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга— 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.



ОБРЎ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

Партия ва ҳаёт

Ҳозирги пайтда вилоятимизда 37 минг нафардан ортиқ ХДП аъзоси вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Замонавий саноат корхоналари, жамоа хўжаликларида, фанмаданият муассасалари ва тижорат тизимларида, қўйингки, ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида партия фаолларини учратиш мумкин.

Иқтисодиётнинг бозор тизимига ўтиб бориши жараёнида хизмат кўрсатиш тармоқларини , енгил ва озиқ-овқат саноати, транспорт тармоқларини хусусийлаштириш, очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, қўшма ва кичик корхоналар, хусусий тижорат дўконларининг кўплаб барпо этилиши билан белгиланади. Қишлоқда давлат хўжаликлари жамоа-ширкат хўжаликларига айлантирилди. Чорвачилик фермалари эса хусусийлаштириляпти. Ҳозиргача вилоятда 80 дан ортиқ ферма ўз ҳақиқий эгалари қўлига хусусий мулк қилиб берилди.

Вилоятда деҳқон (фермер) хўжаликлари 1381 тага етди. Шубҳасиз, фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалиги тараққиётини белгиловчи омиллардан бири бўлиб қолади.

Данғара туманида ҳозиргача ўндан ортиқ ферма хусусийлаштирилди. Шу тумандаги Охунбобоев номли ширкатлар уюшмаси 3-ширкат ХДП ташкилоти котиби Баҳодир Тўйчибоевнинг уюшмасига қарашли фермани сотиб олиб, бу ерда замонавий чорвачилик мажмуи барпо этаётир.

Вилоятдаги фермер хўжаликлари раҳбарларининг ярмидан кўпи партиямиз аъзоларидир. Олтиариқ туманидаги «Одилжон» фермер хўжалигида ХДП бошланғич ташкилоти ишлаб турибди.

Охунбобоев туманидаги фермер хўжалиги раҳбари, ХДП аъзоси Мўътабархон Маҳмудова туман ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этяпти. У тумандаги 21-ўрта мактабнинг бошланғич синфини китоб, ўқув қуроллари билан таъминлашни ўз зиммасига олган.

Саноат корхоналарини замонавий қайта қуриш, кичик ва қўшма корхоналар барпо этиш, хусусийлаштиришда партиямиз аъзолари фаол иштирок этмоқдалар.

Учқўприк туманидаги ХДП аъзоси Насимахон Турсунхўжаева вилоятда биринчи бўлиб хусусий супермаркет очди. Марғилонда партия аъзоси Тўйчибой Ғофуров бош бўлган «Шохруҳ-Имидж» Ўзбек-Югославия қўшма корхонаси ҳам баракали иш олиб бормоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

ХДП фаолиятида асосий ўринни мафкуравий ишлар эгаллаши шубҳасиз. Вилоят партия кенгаши ва барча даражадаги партия ташкилотлари Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш, мафкуравий ишларнинг турли шакл ва усулларидан унумли фойдаланиб, партия аъзолари бўлган раҳбар ходимлар, депутатлар, партия фахрийлари ва хайрихоҳлар ёрдамида йирик сиёсий воқеалар, байрамлар, шонли саналарга бағишланган «Мулоқот» кунлари, давра суҳбатлари, юзма-юз учрашувлар ташкил этмоқда. Шундай тадбирлар Қўқон, Марғилон шаҳарларида, Бағдод, Тошлоқ, Фарғона, Бешариқ туманларида, айниқса юқори савияда ўтказиляпти. ХДП Бағдод туман кенгаши ташаббуси билан чоп этилган, бағдодлик истеъдодли шоиралар шеърларидан тузилган «Қизлар гулдастаси» тўплами, Афғонистондаги урушда ҳалок бўлган қувалик йигитлар ҳақида ХДП Қува туман кенгаши тузган «Хотира китоби» ва бошқалар партия ташкилотларининг халқимиз миллий қадриятларини улуғлаш, ёш истеъдодларга ҳомийлик қилиш борасида олиб бораётган ишларидан бир шингилдир.

Партия ташкилотлари аҳолининг турли табақалари турмуш шароитини яхшилаш бўйича ташаббус билан чиқмоқдалар. Аёллар ҳомиладорлик таътилини узайтириш, Бағдод тумани партия кенгашининг саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаётган аёллар кунлик иш муддатини бир соатга қисқартириш каби ташаббуси нафақат вилоят, балки мамлакатимиз бўйлаб кенг тадбиқ этиляпти. Барча даражадаги партия ташкилотларининг кекса, ёлғиз, ногирон одамларга хайрия жамғармалари ва ҳомий ташкилотлар ҳамкорлигида моддий-маънавий ёрдам уюштиришлари анъанага айланган. Вилоят ижтимоий таъминот бўлими билан ҳамкорликда 1400 дан ортиқ иккинчи жаҳон уруши 1-гуруҳ ногиронлари руйхатга олинди. Уларга доимий моддий-маънавий кўмак бериш ХДП аъзоси бўлган корхона, ташкилотлар раҳбарларига биркитиб қўйилди. Бу ташаббус вилоят ҳокими, Мирзажон Исломов томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

Умуман, ХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг турли жамоат ташкилотлари, жамғармаларининг вилоят бўлимлари билан ҳамкорлиги яхши самаралар бермоқда. Улар билан тузилган икки томонлама шартномалар асосида ҳар хил тадбирлар, учрашувлар ўтказиляпти.

Вилоят партия ташкилотлари фаолиятида камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Баъзи туман, шаҳар партия ташкилотлари омма орасига дадил кириб бораётгани йўқ. Кишиларнинг кайфияти, ҳаётий эҳтиёжларидан тўла бохабар эмаслар, ечилмаган муаммоларни тегишли идоралар билан ҳал қилишда сусткашлик қилмоқдалар. Ташаббускорлик, жанговарлик етишмайди. Ҳамон юқоридан топшириқ кутиш ҳоллари юз бермоқда.

Келгуси фаолиятимизда барча даражадаги партия ташкилотлари ўз эътиборини нималарга қаратишлари керак? Аввало, кенг омма ўртасида партиянинг дастурий мақсадларини янада чуқурроқ тарғиб қилиш ва тушунтириш, партия сафини сифат жиҳатидан мустаҳкамлаш ҳамда унинг сафида зиёлиларни, ўқитувчи, тиббиёт ходимлари, иқтисодиётнинг нодавлат секторида меҳнат қилаётган тадбиркорлар, фермерлар бўлишини таъминлаш биринчи галдаги вазифалардир. Айрим меҳнат жамоаларида, корхона, ташкилотларида партия аъзолари озчиликни ташкил қилгани туфайли баъзан ўтказилаётган тадбирларда фақат партия аъзоларигина қатнашади. Шу боис бошланғич партия ташкилотларини яшаш жойларида, маҳаллаларда тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Биз мафкуравий ишларни ҳаётга тадбиқ қилишда маҳаллада истиқомат қилувчи одамлар, ўқитувчилардан ва бошқа зиёлилардан фойдаланишимиз мумкин. Шундай тадбирларни ўша ҳудуддаги чойхона ва тўй-маъракалар ўтказиладиган жойларда ташкил этилса, натижаси яхши бўлар эди.

Оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда маҳаллий радио, телевидениедан фойдаланиш, меҳнат ва партия фахрийларини жалб этиш орқали Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорларини, Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик идораларидаги партиямиздан сайланган депутатлар фракцияларининг фаолиятини, фуқароларнинг ҳуқуқ эркинликларини ва бурчларини англаб олиш учун ёрдам беришга бош-қош бўлишимиз керак.

Абдурашид МИРСАЛИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилояти кенгашининг биринчи котиби.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

КАТТА КЎПКАРИНИНГ ДОВРУҒИ

Ўтган ҳафта Қашқадарёнинг тўрт буржида, у ёғи Сурхондарё-ю Тожикистон томонларга, бу ёғи Самарқанд тарафларгача хуш хабар келди: **«Яккабоғда соҳибқирон бобомиз тўйи олдидан катта кўпкари бўлармиш. Совринига... машинадан тортиб, туя, отгача қўйиларкан...»**

Лоф эмас, ўша куни ишонаверинг, минг-минглаб отларнинг дупур-дупурлари Бароқтепа атрофини тўлдириб кетди. Кўриб кўзингиз қувонади. Кейин...

Кўзлар илғаб-илғамай қолади. Атрофда эса одамларнинг шовқинли овозлари тинмайди. «Ҳа, Шерали қамчи бос, узангини қўйма». Бошқа ёқдан яна бир гуруҳ ишқибозлар ҳайқиради: «Бу зот Темур бовани тўйига атаб қўйилди. Қашқадарёни довруғини тўкиб қўйманглар тағин!»

Бир ёқда эса баковул қичқиради: «Вилоят ҳокимлигининг совринии — «УАЗ-469» машинаси. Ҳалоллайсан. Ғирром қилганга, қайиш-пайишга ҳеч нарса йўқ. Кўрсатиб ташлайсан, эл кўрсин!..»

Отларнинг дупур-дупури бошланади. Улоқ ердан ҳадеганда узилавермайди. Гоҳ Диёр Кенжаев, гоҳ Довур Назаров, гоҳ Жамолхон полвонлар улоқни узиб чиқади. Лекин... яккабоғлик машҳур чавандоз Шерали полвон Ражабов чапдастлик қилди. Бош соврин унга насиб этди...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

***СУРАТДА:** шу тантаналардан лавҳа.*

Суратни Эргаш ҚУЛМУРОДОВ олган.

Божхона бекати

500 СЎМ ҚЎШИБ ТЎЛАДИ

Қўшни Тожикистон Республикаси фуқароси Назарқосим Холматов юртига «қуруқ» қайтадиган бўлди. Божхона хизмати ходимлари у билан Ургут тумани орқали Тожикистонга чиқиб кетаётган 66-99 ЛБЛ рақамли КАВЗ автобусини тўхтатиб танишишди. Олиб кетилаётган 1240 кило буғдой шу кишига расмийлаштирилганди... Тойлоқ тумани халқ суди буғдойни давлат ҳисобига мусодара қилиш, айбдорга 500 сўм миқдорида жарима солиш тўғрисида қарор чиқарди.

«ЮҚОРИ НУҚТА» ОХИРГИ НУҚТАМИ?

Тун ярмидан оғаётган эди. Самарқанд вилояти божхона хизматининг «Юқори нуқта» пости ва вилоят ички ишлар хизмати ходимлари ҳамкорликда «Қора дори» тадбирини ўтказишаётиб, Булунғур туманининг Фозил Йўлдош номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги айланма йўллар билан кетаётган Аҳмад Маҳмашукуров бошқарувидаги О 99-75 СН рақамли «МАЗ» автомашинасини тўхтатдилар.

У текширилганда 7 тонна атрофида тамаки хом ашёси юклангани аниқланди.

Ҳужжатсиз тамаки А. Маҳмашукуров ва унинг қариндошларига «тегишли» экан. Кейин нима бўлди, дерсиз? Орадан икки-уч кун ўтиб тамаки тойлари кўздан кечирилганда елим пакетга ўралган 10 килограммга яқин кўкимтир тусдаги банг нашасига ўхшаш модда— «бисот» ҳам топилди. Бу «бисот»нинг эгалари ҳақидаги батафсил маълумотлар Булунғур тумани ички ишлар бўлимида йиғиладиган бўлди.

ТИЖОРАТМИ, ХИЁНАТ?

Жалолқудуқлик Ғофир Мирзаевнинг сафарига ном қўйишда шундай иккиланишга тўғри келади. Сабаби, тижорат сафари бўлганида у айланма йўллардан эмас, эл юрганидан юрарди. Хўжаобод туманидаги чекка йўлларда 49 қопга жойланган 2450 кило шакар билан сарсон-саргардон бўлмасди. Андижонлик божхоначилар ҳам сафарга бевақт нуқта қўйишмаган бўларди.

Янаям, ким билади...

ЙИГИТ, ТЎРВА ВА НИЯТ

Божхона хизматининг «Шовот» пости ходимлари «Хива-Тошҳовуз» йўналиши бўйича қатнаётган автобусда Тверь шаҳрилик Виталий Толстов билан қизиқиб қолишди. Чунки унинг мешдай сумкаси бўлиб, эгаси ўзини ғалати тута бошлади. Яхшилаб танишилди ва аниқланди. Виталийнинг бу тўрвасида «ҳаёт-мамот» бор экан, яъни уч кило-ю 180 грамм марихуана гиёҳванд моддаси. Йигитнинг нияти Туркманистон орқали Россияга ўтиш эди. Лекин сафари эрта қариди.

Ҳусан ЭРМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Луқма

ДАВЛАТ ТИЛИ ҚАЙСИ ТИЛ?

Инглиз тилида битилган бу хат қўлимизга тасодифан тушиб қолди. Тошкент шаҳар каратэ федерацияси спортчилари уни ўзбекчага ўгириб беришимизни сўраб таҳририятимизга мурожаат қилишди.

Инглизчага бўлган саводимиз ҳамиқадарлиги боис таржимон изладик. Ва унгача йигитлардан сўрадик: «Бу хат чет элдан келдими?». Улар кулишди. Ва бир-бирига «айтсакмикан?» деган оҳангда сирли қарашди. Сўнг Ўзбекистоннинг номдор каратэчиларидан бири, шу федерация президенти Нурхон Нафасов жиддийлашди ва куйиниб гапира кетди:

— Билмадим, сизларга бу қандай таъсир қилади, лекин мен учун ҳақорат! Биз соф ўзбек тилида ўз фаолиятимизда ўрганиб, фойдаланиш учун Республика каратэ федерациясининг Низомини сўраб хат юборсак, мана шу жавобни йўллабди. Ҳеч иккиланмасдан айтаман, бу Давлат тили тўғрисидаги Қонунга бўлган ҳурматсизлик-ку!

Ўйлаб қолдик. Ахир Қонун қабул қилинганига олти йилдан ошди. Деярли ҳамма соҳада унга риоя қилиниб баҳоли қудрат катта ишлар бажариляпти. Лекин Ўзбекистонни дунёга танитишда энг ишончли йўл ҳисобланган спортимизда тилга ҳурмат шундай бўлса не деймиз?

Тўғри, жаҳон тилларидан бири саналмиш инглиз тилига бўлган ҳурматэътиборимиз беҳад катта. Унинг дунё миқёсида тутган ўрнини ва обрўсини тан оламиз. Лекин...

Ўзимизнинг она тилимиз — ЎЗБЕК тили Ўзбекистонда Давлат тили сифатида тан олинган. Ва у Қонун билан кафолатланган. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор қилолмайди. Шундай экан, тилимизнинг қадр-қимматини ошириш, ўрганиш ва қўлаверса, ҳурмат қилиш ўзини мустақил мамлакатимизнинг фуқаросиман дея айтмоқда ҳақли бўлган ҳар бир юртдошимизнинг бурчи эмасми?

Энг ачинарлиси, республикамиз ҳудудида турли ёзишмалар ҳам Давлат тилида олиб борилиши лозимлиги қатъий белгилаб қўйилганлигини Республика каратэ федерацияси президенти Владимир Миронов билмайди шекилли?..

Ахир федерация президенти ўзбек тилини ҳам, Қонунни ҳам ҳурмат қилмас экан, у дунё миқёсида Ўзбекистон миллий спорти шарафини қандай ҳимоя қилади?

Шундай бўлса-да, инглиз тили бўйича мутахассис топиб, бу хатнинг таржимасини ёздириб олдик. Кўрсак... ишонмайсиз, қарангки, инглиз тилида битилган саккиз қатор матнда тўртта имловий (!) хато ўтказиб юборилибди. Бунга нима дейсиз?

Бунинг сабабини биз Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раҳбариятидан сўрамоқчимиз?!

Норқобил ЖАЛИЛ.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ОЛАМДА НИМА ГАП?

БМТ. Россия Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий бюджетига ва ушбу ташкилотнинг тинчликни қўллаб-қувватлаш тадбирларини ўтказиши учун жорий йилнинг 1 январидан 11 декабригача жами 346 миллион доллар ажратди. Мамлакат йил охиригача жаҳон ҳамжамиятига яна 50 миллион доллар тўлашни режалаштираётир.

Ҳозиргача Россиянинг БМТдан қарзи қарийб 600 миллион доллар ни ташкил этмоқда. БМТ қароргоҳидан маълум қилишларича, Россия яқин 7 йил ичида халқаро ташкилот олдидаги қарзларини узишга ваъда берган. Америка Қўшма Штатлари эса БМТдан шу йил сентябрь ойи охирига қадар 1,5 миллиард доллар қарздор эди.

***

МАДРИД. «Европа Иттифоқига (ЕИ) аъзо бўлиш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Чунки , у Европа тизимларига янада тўлароқ интеграциялашув имконини беради», деди Литва ташқи ишлар вазири П. Гилис журналистлар билан суҳбатда. У Европа Иттифоқига қўшилиш ҳақидаги расмий ҳужжатни топшириш учун Испания пойтахтига ташриф буюрди.

Литва ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари ўз мамлакати билан қўшни давлатлар ўртасида ҳеч қандай муаммо йўқлигини, уларга нисбатан ҳудудий даъволари мавжуд эмаслигини ҳам таъкидлади.

****

БОКУ. Эрон ташқи ишлар вазири ўринбосари Маҳмуд Аёзий Озарбойжон пойтахтига 3 кунлик амалий ташриф буюрди. У Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, парламент раиси Расул Гулиев, Бош вазир Фуад Гулиев билан музокаралар ўтказади. Музокаралар чоғида Озарбойжон билан Эрон ўртасидаги муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинади.

****

ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари ва Исроил космик фазони ўрганиш ва Ер шари атрофида илмий тажрибалар ўтказиш соҳасида ҳамкорлик қилиш юзасидан шартнома имзолади. АҚШ Президенти Билл Клинтон Исроил Бош вазири Шимон Перес билан Оқ уйда бўлиб ўтган музокаралардан сўнг, журналистларга шуни маълум қилди.



Бугунги Берлин.

ЭЛ БОШИГА ТУШГАН ИШ

ёхуд Россиядаги бўлажак сайлов ҳақида

Декабрь совуқ об-ҳаводан дарак бериб турсада, МДҲ ҳаёти қизғин сиёсий тус олган. Ҳамдўстлик давлатларида бирин-кетин мамлакат олий органи — парламентларга сайловлар бўлиб ўтмоқда. Ўтган шанба Қозоғистонда Сенат ва Олий Мажлисга депутатлар сайланган бўлса, Белорусда парламентга такрорий сайловлар ўтказилди. Ҳар икки мустақил давлатда ҳам фуқаролар ўз сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланиб, овоз беришда фаол қатнашдилар. Қозоғистондаги сайловда депутатлик ўринларини биринчи овоз беришда тўлдиришнинг имкони бўлмади. Бу ерда парламент тўлиқ таркибида иш бошлаши учун қайта сайлов ўтказишга тўғри келади.

Бугунга келиб Россия Федерацияси ДавлатДумасига бўлажак сайлов эса жаҳон оммавий ахборот воситалари диққат марказида турибди. Бундан ташқари, 17 декабрда ўтказиладиган Россиядаги сайловга дунё сиёсатчилари-ю ишбилармонлари ҳам қизиқиш билан қарамоқдалар. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки ушбу сайловда қайси сиёсий партия ва бирлашмалар ёхуд блокларнинг ғалаба қилиши Россиянинг яқин келажакдаги ички ва ташқи сиёсатини аниқ белгилаб бериши шубҳасиздир. Гап сайловда ғалаба қилган кучлар ҳозирги ислоҳотлар йўналишини давом эттирадиларми ёки ўзга бир сиёсий оқимга қараб бурадиларми, деган саволга жавоб топишда қолган.

Айни шу кунларда эса Россияда қизғин сайлов кампанияси бормоқда. Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олган 43 та партия сайловолди бирлашмалари ва блоклари бўлажак Думада кўпроқ ўрин эгаллаш учун ўзларини тарғиб-ташвиқ қилишяпти. Давлат Думасига ажратилган 225 мандатни эгаллаш учун 5675 нафар номзод курашмоқда.

Лекин сайловолди ҳаракатларини кузатиб бораётган мутахассисларнинг фикрига қараганда, бу ердаги сайлов қонунида белгиланган 5 фоизлик курсаткичга кўпчилик партия ва блокларнинг эришиши қийин. Кузатувчилар мамлакатнинг ҳозирги Бош вазири Виктор Черномирдин раҳбарлик қилаётган «Россия — бизнинг уйимиз» жамоатчилик-сиёсий ҳаракати, Россия коммунистик партияси, «Рус обшинлари конгресси» («КРО») бирлашмаси, Россия либерал-демократик партияси, «Выбор России» — бирлашган демократлар ҳаракати, «Иван Рыбкин блоки», «Яблоко» жамоатчилик бирлашмаси, Россия аграр партияси, «Россия аёллари» ва бошқа яна бир-икки бошқа партия ҳамда блоклар бўлажак Думада кўпроқ ўрин эгаллашга ҳаракат қилаётганликларини таъкидламоқдалар.

Сайловни ўтказиш учун федерал бюджетдан қарийб 374 миллиард рубллик маблағ ажратилган. Лекин ўз партияси ёки ҳомийлар ҳисобидан сайловолди тадбирларини ўтказаётганлар ҳам анчагина. Масалан, В. Жириновский партияси (РЛДП) ҳисобида 10 миллиард 705 миллион рубль бор. Ю. Скоков ва генерал А. Лебедь етакчилик қилаётган «Рус обшиналари конгресси» бирлашмаси эса 5,3 миллиард рубллик маблағга эга. Хуллас, ҳар ким ўз ҳамёнидаги пулга қараб сайловолди сарф-харажатини қиляпти.

Россиялик машҳур жамиятшунос Леонид Седовнинг фикрича, бу йилги сайловда мамлакат аҳолисининг фаол қатнашиши кутилмоқда. Кўпдан-кўп таҳлил марказларининг ҳисоб-китобларига қараганда, овоз беришда қатнашиши лозим бўлган фуқароларнинг қарийб 70 фоизга яқини сайлов участкаларига келиш эҳтимоли бор.

Шундай қилиб, 17 декабрда Россия сиёсий ҳаётида муҳим воқеа юз бериши кутилмоқда. Ҳозирнинг узидаёқ дунёнинг турли бурчакларида сайловнинг қандай боришини кузатиш мақсадида кўплаб вакиллар келяпти. Сайлов натижалари нафақат Россия, балки МДҲ суверен давлатлари учун ҳам аҳамиятлидир. Негаки, Россидаги барқарорлик собиқ Иттифоқ ҳудудида таркиб топган янги мамлакатларнинг ўз мустақиллигини мустаҳкамлаб, дунё ҳамжамиятида тенг ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этишига кафолатдир.

Аслиддин ОРТИҚБОЙ ўғли.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

ХАЛҚАРО КАНАДА РАДИОСИ: Иорданиядан хабар қилишларича, ушбу мамлакат полициячилари пойтахт аэропортида Россияда ишлаб чиқарилган ҳарбий ракеталар таркибий қисмлари бор каттагина юкни қўлга туширдилар. Ҳозирча бу юк қандай қилиб Иорданияга келиб қолгани аниқланганича йўқ.

АМЕРИКА ОВОЗИ: Бугунги кунда қамоқда ушлаб турилган Жанубий Кореянинг собиқ Президенти Чон Ду Хван 1980 йилда ўтказилган намойишни бостиришга менинг ҳеч ҳам алоқам бўлмаган, деган фикрни айтмоқда. Маълумки, бу намойишда ҳукумат кучлари билан тўқнашув натижасида 200 киши ҳалок бўлганди. Собиқ давлат бошлиғи ўша пайтда мен намойишчиларга қарши ўқ узишга рухсат бермаганман, дея норозилик тарзида қамоқхонада очлик эълон қилди.

АМЕРИКАЧА СОЛИҚ ТИЗИМИ

Одатда бировнинг қанча даромад қилаётганини ҳисоблаш одобдан эмас. Россиянинг «Аргументы и факты» газетаси эса юзинг-кўзинг деб ўтирмасдан кимсан АҚШ Президентига унинг бир йиллик даромадини билиш мақсадида хат билан мурожаат қилибди. Билл Клинтон ёрдамчилари ҳам эринмасдан Президент Клинтоннинг йиллик солиқ декларациясини жўнатибди.

Қисқаси, Клинтонлар оиласининг 1994-1995 молиявий йилдаги даромади 263 минг 900 долларни ташкил этар экан. Америка ҳаёти ўлчовларига кўра, бу деярли ката маблағ эмас. Масалан, ўртача компания бош директори ҳам шунча маош олиши мумкин. 500 та йирик фирма раҳбарлари эса 3 миллиондан 5 миллион долларгача йиллик даромад олишади.

Юқоридаги 263900 долларлардан 200 минги Клинтонларнинг йиллик маоши ҳисобланади. Бундан ташқари майда-чуйда бошқа даромадлар ҳам борки, улардан Президент оиласи ўз вақтида солиқ тўлаб туради.

Дарвоқе, солиқ масаласида америкаликлар ўта нозиктаъб. Одатда молиявий йил охирида шундай бўладики, кўпчилик фуқаролар тегишли суммадан ортиқроқ солиқ тўлаб қўйишади. Бундан ташқари АҚШ солиқ қонунчилиги бир қатор чегирмаларни кўзда тутганки, бу солиқ тўловчилар учун қулайликлар туғдиради: масалан, оиладан бир киши касал бўлиб қолганда ёхуд уй қурилаётганда ва бошқа сабаблар. Солиқ декларациясини тузиш билан банд бўлган юридик фирмалар ҳам қонунчиликдаги солиқ суммасини камайтириш имконини берадиган турли янгиликларни топишни ўз вазифалари, деб биладилар.

Клинтонлар оиласига келсак, ҳисоб-китобларга кўра улар ҳам 1994 йили 14 минг 418 доллар ортиқча солиқ тўлаб юборишибди. Ушбу сумманинг 7,5 минг доллари бу йилги солиқ тўловларига ўтказилган. Умумий ҳисобда 1994-1995 молиявий йилда Клинтонлар оиласи федерал солиқ тизимига 55 минг 313 доллар ёки ишлаб топилган даромаднинг қарийб 20 фоизи миқдорида солиқ тўлашган.

ТИЛ БИЛМАСА МИЛЛИАРДЕР БЎЛОЛМАЙДИ

Дарҳақиқат, шундай. 10 ёшли қизалоқ Атинага грек тилини ўрганиш жуда ҳам керак бўлиб турибди. Қизалоқ дунёдаги энг катта кемачилик компаниясининг бошлиғи бўлган марҳум миллиардер Аристотель Онассиснинг набираси бўлиб, бобосидан унга жуда катта мерос қолиб кетган. Онассис васиятномасига кўра меросхўр набира агар ундан қолган меросларга эга бўлмоқчи бўлса грек тилини билиши шарт экан. Бироқ, қизчани отаси—француз ишбилармони Терри Руссель тарбиялаяпти. Шу боис Атина ҳозирча грекчани билмайди. Атинанинг онаси Кристина Онассис Руссель билан қизи туғилгандан кейиноқ ажрашган. Ёш Атина Аристотель Онассиснинг фақат ёлғиз меросхўри ҳисобланади. У яна 11 йилдан кейин жаҳондаги энг йирик замонавий флотлар, Нью-Йорк шаҳридаги ҳашаматли бинолар, Лондон, Монте-Карло ва дунёнинг бошқа шаҳарларидаги йирик компания ва магазинларнинг асосий эгаси бўлади.

Дарвоқе, дунёдаги энг катта миллиардер бўлган Онассиснинг фарзандлари фожиали ҳалок бўлишган: ўғли сирли ҳолда авиаҳалокатга учраган. Қизи эса Буэнос-Айрес шаҳрида наркотик моддаларни кўп истеъмол қилиб, вафот этган. Оиланинг сўнгги аъзоси фақат Атина қолган, холос.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

АЁЛ БОШИ БИЛАН...

Яқинда кўпчилик хитойликларни ҳайратга солган товламачи аёл Дэн Бинь устидан суд ҳукми ўқилди. У отишга ҳукм этилди. Хўш, бу аёл нима қилибдики, шундай жазога маҳкум этилган бўлса? Маҳаллий матбуот хабарларига кўра, Дэн Бинь Пекин шаҳрида бир неча йил давомида молиявий қинғирлик ишлари билан шуғулланиб келган.

Аввалига оддий медицина ҳамшираси бўлган бу аёл кейинчалик маиший электрон техника асбоблари ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган «Синьсин» компаниясига ишга кириб, маҳсулот сотиш бўйича менеджер бўлиб олади. Фирибгар аёл ҳалол йўл билан тезда бойиш мумкин эмаслигини билгач, ноқонуний хатти-ҳаракатлар билан шуғуллана бошлаган. Яъни ўзига «зарур» бўлган амалдорларга «совға-салом» улашиб, уларни ўз «бизнеси»га тортган. Ҳатто, иш шу даражага бориб етганки, Пекин шаҳар мэриясидаги юқори лавозимдаги шахслар ҳам унинг «шериклари»га айланиб қолган. Дэн Бинь товламачилик йўли билан тўрт йил ичида «Синьсин» компаниясига 32 миллиард юан маблағ жалб қилган. Унинг катта қисмини ўзига «ўзлаштириб» олган. Масалан, бешта баҳайбатли бино ва шаҳар четида йирик дала ҳовли қурдирган. Кейинчалик унинг хонадонидан 128 та йирик олтин ва кумушдан ясалган буюмлар топилган. Дэн хоним ўз уйини ремонт қилиш учун ярим миллион юан сарфлаган. Бундай пулни кўпгина хитойликлар умр бўйи ҳам ишлаб топа олмайдилар. Дарвоқе ушбу фирибгар аёл ўз «бизнеси»га 123 нафар партия ва давлат раҳбар ходимларни жалб қилган. Бироқ сўнгги пайтда унинг сири очилиб, қўлга тушган.

(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

АЗИЗ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ!

MIR

SUPERMARKET

"ШАРҚ МИР ЛТД" ҚЎШМА КОРХОНАСИ СИЗНИ ШУ ЙИЛНИНГ

15 ДЕКАБРЬ

КУНИ СОАТ 10.00 ДА ЯНГИ ОЧИЛГАН "МИР" СУПЕРМАРКЕТИГА ТАКЛИФ ЭТИШДАН МАМНУНДИР.

Мазкур супермаркетнинг умумий майдони 4500 м2 бўлиб, бу гўзал масканда турли-туман атир-упалардан то энг замонавий ва қулай кийим-кечакларгача, юқори сифатли аудио ва видеотехникадан то энг зарурий кундалик рўзғор буюмларигача, турли-туман ширинликлардан то чет эл автомобиллари учун эҳтиёт қисмларгача — ҳаммаси бўлиб 3000 дан зиёд моллар харидорлар эътиборига ҳавола этилган. Мижозларимиз учун 350 дан ошиқ юқори малакали ходимлар хизмат кўрсатадилар. Икки қаватли Fast Food кафеси доимо Сизнинг хизматингиздадир.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Мустафо Камол Ота Турк кўчаси, 1-уй.

ШИР ГИ

UZBEKISTAN airways

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА "ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" АВИАКОМПАНИЯСИ САМОЛЁТЛАРИДА САФАР ҚИЛИНГ!



Узоқ вақт кўпгина Араб мамлакатлари бутун ташқи дунёдан узилиб қолганди, яккаланиб ва яқинлашиб бўлмайдиган тарзда яшарди. Эндиликда улар нефтни сотишдан мислсиз бойиб кетган, лекин шарқона латофати ва ўз қонунларини сақлаб қолган юксак ривожланган давлатлардир.

Ҳозир у ерда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан, МДҲдан ва Марказий Осиёдан сайёҳлар бориб дам олишмоқда. У ерга нафақат арзон аппаратлар ва олтин олиш учун, балки Форс кўрфазининг илиқ сувларида чўмилиш, бозорлари ва қадимий кўчалари бўйлаб кезиш, "Минг бир кеча эртаклари" саҳифаларида жонланганидек масжидлар ва саройларни кўздан кечириш учун ташриф буюрмоқдалар.

Сафарга сира иккиланмай отланинг. Шунга амин бўлингки, у сиз учун сира унутилмас ва эҳтимол, тижоратингиз учун ҳам фойдали бўлади.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси қуйидаги йўналишлар бўйича қатновларни таклиф этади:

САМАРҚАНД — ТОШКЕНТ — ШАРЖА

НУ-119 р., Ту-154 *шанба кунларида*
Самарқанддан учиш вақти - 12.55
Тошкентга қўниш вақти - 13.40
Тошкентдан учиш вақти - 15.10
Шаржага қўниш вақти - 18.00

НУ-120 р., *шанба кунларида*
Шаржадан учиш вақти - 19.30
Тошкентга қўниш вақти - 00.05
(якшанба кунлари)
Тошкентдан учиш вақти - 01.40
Самарқандга қўниш вақти - 02.25

15 январдан бошлаб ТОШКЕНТ — ЖИДДА (Саудия Арабистони)

НУ-105 р., Ил-62 *душанба кунлари,* **НУ-106 р.,** *сешанба кунлари*
Тошкентдан учиш вақти - 19.30
Жиддага қўниш вақти - 23.00
Жиддадан учиш вақти - 17.00
Тошкентга қўниш вақти - 00.05

(учиш ва қўниш вақтлари маҳаллий вақт бўйича кўрсатилган)

СИЗЛАРГА ЁҚИМЛИ ПАРВОЗ ВА АЪЛО ДАМ ОЛИШИНГИЗНИ ТИЛАЙМИЗ!

Маълумотлар олиш учун Тошкентдаги телефонлар: ўринлар борлиги ҳақида — 066, самолётлар қатнови тўғрисида — 006, халқаро рейслар бўйича — 56-38-37.

АВИАРЕКЛАМА

ШИФОХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

"Абу Али ибн Сино ва табобат" фирмаси Сизларга 20 дан ортиқ хорижий фармацевтика фирмаларидан келтирилган 400 турдаги энг сифатли ҳамда арзон дори-дармонларни ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Агар Сизга ошқозон-ичак, тери-таносил, юрак, қон-томир, жигар, буйрак, астма ва асаб касалликларини даволашга қўл келадиган дори-дармонлар зарур бўлса фирмамизга мурожаат қилинг!

Юрак хасталикларига — сустак, нитронг ва уларнинг барча турлари, тери касалликларига — целестодермнинг барча турлари, ошқозон-ичак хасталикларига — гастроцепин, фосфалугель, вентер, зонтак дорилари, қувватга киргизувчи витаминлар — пиковит, таксофит, астма касалликларига — беротек, берадуал каби дориларни ҳамда турли шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламаларни харид қилишингиз мумкин.

Савдо-сотиқ пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Фирма манзили: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, 1-А уй (метронинг "Ғафур Ғулом" бекати).
Телефонлар: 44-24-34, 40-44-83, 40-48-06.
Факс: 40-48-53.

Сизларга ҳар доим соғлик, туман бойлик тилаймиз!

ДИККАТ, ЯНГИЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки эркин муомаладаги валютада янги омонат турларини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Валюта омонатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида доимий равишда истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан ҳам очилиши мумкин.

"Талаб қилиб олинадиган" омонатларга йилига 2 фоиз, муддати камида 1 йил бўлган "муддатли" омонатларга эса 4 фоиз миқдорида эркин муомаладаги валютада даромад тўланади.

"Талаб қилиб олинадиган" омонатга камида 200 АҚШ долларига тенг миқдорда эркин муомаладаги валюта қўйиш ёки нақд пулсиз ўтказиш кифоя.

Тўлиқ маълумотларни Халқ банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 45-35-41, 33-51-95.

Халқ банки Сизнинг хизматингизда!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ

ТАШКИЛОТ

Барча қувватдаги электродвигателларни таъмирламоқда, электродвигателларни алмаштириш фондига эга.

1. Электродлар (Россияда ишлаб чиқарилган), эмаль сим, эритувчи, ацетон, ХП-1, ШБ-5 кислотаси, пардозланган мармар, калцинация қилинган сода (қопда), кафель, телефон аппаратлари, канистрлар (20 литр), челаклар (12 литр), турли флянцлар, П-0 ТУ 205 309-83 русумли монтаж белбоғлари, канализация чўян тирсаклари, ККП-I кабель аравачалари, электротенлар, ванналар, 4 комфорли газ плиталари, Ф 37, Ф 65 тросслари, турли чинни идишлар.

2. Электромоллар — 100 ВТ, 150 ВТ, 300 ВТ, 500 ВТли лампочкалар.

3. Саноат-ёритгичлар, рубильниклар, ёритиш шитлари, пакет переключателлари, узайтиргичлар, патронлар, турли қувватдаги электродвигателлар.

4. МЕТАЛЛ СОТИБ ОЛАМИЗ: -швеллер, трубалар, листлар, провнастил, тунука шунингдек, ёғоч, эмаль сим, ВАЗ, «Москвич», ГАЗ, РАФ, КамАЗ автошиналари, турли электр двигателлар, шимдириш лаки, изоляция лентаси, ВАЗ, «Москвич», ГАЗ автоэҳтиёт қисмлари **ўз магазинларида сотиш учун** халқ истеъмоли моллари—мебель, электр моллари, маиший техника, озиқ-овқат маҳсулотларини **харид этади ёки консигнацияга олади.**

6. Ҳақ тўлаш шакли турлича — тўлов учун вексель қабул қиламиз.

Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри.
Тел: (37171) 5-33-37, 5-36-84, соат 18 дан кейин 2-14-64.

ЎзҚХФАнинг сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти жамоаси катта илмий ходим **Турғун МЎМИНОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири.

«ЯНГИ ЙЎЛ»ДАН «САОДАТ»ГА ЕТГУНЧА

Одамзоднинг мурод-мақсадга, бахт-саодат манзилига етиши ҳеч қачон осон бўлмаган. Йўлдаги машаққатлар, минг хил тусиқларни енга олган иродаси мустаҳкам инсонгина ўзини чинакам бахтга мансуб, деб биладн. Ҳамиша, ҳамма замонда ҳам толе эшигини ақлу идрокли ва сабру матонатли кишилар очганлар. Агар шундай бўлмаганида, бахт-иқбол бу қадар тансиқ, бунчалар қимматли бўлмас эди.

1931—34 йилларда «Янги йўл» журналига бош муҳаррирлик қилган Хосият ТИЛЛАХОНОВА ёзади:

Қаршимда турган улуғ денгиз,
Чеки кўринмас хатарли чўлни,
Ўтган йўлчининг йироқ йўлини,
Кўзим учи-ла жойлаб тураман.

Мени боғлаган кишанларини,
Уриб, парчалаб занжирларини,
Суриб бутунлай монеъларини,
Поклаб, бу йўлдан мен ҳам бораман...

Сарғайган суратларнинг тиллари бўлса айтсин: «Янги йўл», «Ёркин турмуш», «Ёркин ҳаёт» номи билан чоп этилган ўзбек хотин-қизлари журнали ўз умрида нималарни кўрмади, нималарга гувоҳ бўлмади: чеҳраларидан фасоҳат ва шижоат нури ёғилб турган бу азиз сиймолардан нималар қолди? Аёлларни меҳнат ва ижод кенгликларига чорлаган бу жасур овозлар — давр қўнғироғи эдилар. У қўнғироқ жаранглари «Саводсизликка ўт қўямиз», «Ўчоқ бошидан трактор қулоғигача» каби ўз замонининг шиорлари ҳар бир хонадонга кириб борди. Ўзбек аёли ўз ҳақ-ҳуқуқини таниб, илмнинг, меҳнатнинг пирига айланди, маҳобатли машиналарга ўтирган «полвон»ларга менгзади, даврнинг илғор сафларида куч-ғайратини аямай меҳнат қилди. У шу қадар қизғин фаолиятга берилиб кетдики, бора-бора ўктам ва чайир бўлди. Бешик бошида айтадиган алласини-да унутди. Оила аталган муқаддас меҳробга баъзан меҳри ҳам, вақти ҳам етмади.

Тожихон Шодиеванинг салобатли забардаст овозини, Собира Холдорованинг нозик истеъдодини, беҳад гўзал сурати, сийратини, Хосият Тиллахонова каби шоира, мураббия, беназир қалам соҳибасини қатағон чиғириқлари абгор қилди. Тожихон Шодиева олис муз салтанатида кирза этик, эркаклардай фуфайка кийиб қарағайзорларда сургун муддатини ўтади. Ваҳолонки, улар уйғоқ фикрли, маърифатпарвар, чин маънода эл фарзандлари, барчаси Туркистоннинг ҳур чечаклари эдилар, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳар бири бир улкан воқеа саналган шахслар эдилар. Уларнинг қисмати қайғули бўлганини биз яқин-яқингача билмас эдик. Улар «озод замонни қуйлаб» қафасга тушган нолон булбулларга ўхшайдилар. Бош муҳаррирлар — С. Холдорова, Т. Шодиева ва Х. Тиллахоновалар собиқ қўмфирқанинг мактабида тобланган, Туркистон фирқа Марказкоми хотин-қизлар шўъбаларида ишлаган, матбуотда чиниққан ношир, матбаачи, ижодкор эдилар. Қатағон чалғилари бу етук, оқила жамоат арбобларини бутдойдай ўрди-кетди.

Улардан сўнг «Ёркин турмуш», «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали Саодат Шамсиева, Фотима Ниёзова, Иқбол Акбарҳўжаева, адиба, шоира, маҳоратли журналист Ойдин Собировалар номи билан боғлиқ.

Одамзод ақлу шуури билан

равшан тортган эски ойнома саҳифаларидан чарақлаб чиқаверади: минг килолаб пахта терган чевар аёллар, дастгоҳлар бошида урчуқларини улаётган опа-сингиллар, завод ва фабрикалар бағридаги ҳаёт, парашютчи қиздан боғча мудирасигача, сут соғувчи аёлдан машинист-ҳайдовчи қизларгача бу нашрнинг қаҳрамонлари бўлиб чиқиб келаверади...

Лекин, лекин... Аёл-онанинг дил кечинмалари, қўлларининг қадоғи, кирза этик кийган сувчи қизнинг этик урган оёқларидаги симсим оғриқ... Остонасигача пахта экилган ўзбек деҳқонининг бир этак боласию дилидаги санчиқ, унутилиб бораётган урфлар, анъаналар, миллий қадриятлар, давлат минбарларидан тушиб кетган Она тили — булар барчаси матбуот юзини кўрмайдиган, таъқиқланган мавзулар эди...

Тўлишган, ойдай, савлатли, содда Турсунойнинг юзлаб суратлари газета-журналларнинг бош саҳифаларидан тушмади. Тунлари ой ёғдусида пахта терган, далаларнинг чанг губоридан дард орттирган Турсунойнинг сўнгги армонлари ёзилмади «Саодат»да. У гуркираб турган дарахтдай 43 ёшида бирдан йиқилди. Давр уни «қаҳрамон» қилиб кутарди, лекин оддий инсоний бахтнинг қанчалар лаззатлигини орзу қилиб ўтди Турсуной...

Минглаб Турсунойчилар эркакларни четга суриб, дала чавандозларига айландилар ва қанчалари кучли шовқин, тебраниш, меҳнатдан зўриқиб жисмонан мажруҳ бўлдилар.

Айни чоғда жаҳон минбарларида Ҳалимахоним, Мукаррамахоним, Зулфиябегим, Хадичахоним Сулаймонова, Нозимахоним Деҳқонхўжаева, Сабоҳатхоним Азимжоновалар каби фозила, донишманд ўзбек аёллари дунёни оғзига қаратди. Барибир шундай мураккаб замонда ҳам ўзбек халқи ҳаётидаги иқтисодий-сиёсий-маданий юксалишни акс эттиришда «Саодат» имкон қадар хизмат қилди.

Шифокор оёғи етмаган жойда — у ўз сўзи билан табиб бўлди, Ростонбуви бўлиб одоб-ахлоқдан сабоқ берди, ўзбек аёллари қалбига ҳамиша яхшилик, эзгуликдан нур сочди. Унда ўз даврининг фарзанди сифатида ютуқлари ҳам, камчиликлари ҳам аён...

Халқимизда «Довласанг ботир бўлар», деган нақл бор. «Саодат» — ёруғ манзилларга чорлади, юксак довонларга даъват этди. Муаллима, мураббия бўлиб эл ишига яради. «Саодат»нинг 33 йиллик бош муҳаррири Зулфияхонимнинг меҳнати — ўзи бир тарих...

Бир неча йил таниқли шоира Ҳалима Худойбердиева журналга бош муҳаррирлик қилди.

Миллий истиқлол, миллий уйғониш арафасида «Саодат» — миллий қадриятларни тиклашда, Аёл—она ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қизғин минбарга айланди. Тарихга холисона баҳо беришда, ўтмиш даҳоларимиз сиймосини элга танитишда, қадим момолар жасоратини дилга жо қилишда «Саодат» Ватан мустақиллигининг илк кунлариданоқ даъваткор мақолалар билан чиқди. Унинг зарварақларида ишлаб чиқариш сарбонлари, маданиятимиз юлдузлари, халқимизнинг ёшлиги, келажаги, орзу-умидлари намоён бўлди. Бугун «Саодат»нинг нафаси тўрт ёшлик Истиқлол юрак зарбаларига туташ.

«Саодат»нинг қилар ишлари кўп. Хотин-қизлар кенгашларининг ишларини янги ҳаётий ўзанга солиш, республика Хотин-қизлари қўмитаси олиб бораётган хайрли ишларни тарғиб қилиш янги масъулиятдир «Саодат» учун.

Кишилар яхши тилак билдиришганда йўлинг саодатли бўлсин, дейишади. «Янги йўл» журналига ҳам 1925 йили шундай улуғ тилак айтишган экан — у йўл боса-боса «Саодат»ли бўлди. Журнал саҳифаларида тақдирлари ёритилган кишилар ҳам, шеъру мақолалари чиққан ижодкор ҳам, ишлаган ходимлар ҳам саодатли, таниқли бўлишди. Ўнлаб иқтидорли, эл севган шоираларни журнал ўз бағрига олиб улғайтирди. Ва ҳаётнинг нурли йўлларидан олиб ўтди.

Ўтган кун тарихга айланди. «Саодат» минг-минглаб ўқувчиларининг шуурида, қалбида тарих бўлиб тахланиб боряпти. Бу жуда яхши. Негаки, киши онгидаги, қалбидаги нарса ҳеч вақт, ҳеч қачон бегоналашмайди, эскирмайди. Уни хоҳ қувончли, хоҳ ғамли кунида ёлғизлатиб қўймайди, зериктирмайди. «Саодат»нинг 70 йиллик қутлуғ тарихи Сизда. Унинг дадил, янада ёлқинли келажаги эса олдинда!

ЙЎЛ МЕНИНГ ЕЛКАМДА ЮРАРДИ...

Ўттиз уч йилдирки, мухбирлик унвони билан йўл юраман, ёз чилласими, қиш изғириними барибир. Шундан 25 йилини юрагимни бағишлаганим «Саодат» журналида ўтказдим. Ҳали қарасангиз Бойсун тоғлари адирларига — чўпон аёл Мастура Жўраевани излаб бордим. Қашқадарёлик раиса Момохол Узоқовани Яккабоғ чўлларидан топдим. Наманганлик машҳур кўз дўхтири Назира Жуманова ёки фарғоналик уста пиллакор Фазилат Қўзибоеванинг иш тутумини ўргандим. Тошкентда атоқли санъаткор Сора Эшонтўраева истеъдоди сирларини билиш учун у кишини соатлаб гурунгга солдим. Театрга қайтиб, ижро этган спектаклларини қайта-қайта томоша қилдим. Бормасам, кўрмасам ёзиш қайда эди?

Гоҳо шундай бўлар эдики, қўлимда чипта—кеч хуфтонда поездга чиқишим керак. Иштиёқ билан йўлга отланаётганимда қизчам ё ўғилчам инжиқланиб иситмаси кўтарилиб қоларди. Икки ўт орасида ёнаётганимни кўрган дадаси — ҳамкасбим Бекмирза ака болани бағрига босиб, «бораверинг, ўзим қарайман, эртагача яхши бўлиб қолади», деб далда берардилар. Мен эса юрагим узилиб йўлга чиқардим: «Ёзишим керак, келгуси ҳафта босмага топшириладиган журналга мақола зарур», деган фикр мени етаклаб кетарди.

Мен йўлда эмас, гўёки йўл менинг елкамда юрарди — туни билан тўлғониб, боламга худойимдан соғлик сўрардим. Эртасигаёқ Андижонгами, Наманганга ми етиб боргач, Тошкентга сим қоқиб боламнинг ўйнаб кетганини эшитгач, таскин топар ва ишга киришардим.

Шундай қилиб, йўл ҳам юравердим. Уйда эса болаларим ухлагач, оппоқ қоғозга дардимни тўкаверардим. Болаларим ҳам катта бўлишди. Куёв, келинлар, набиралар кўрдим.

Не-не умидлар билан «Саодат» эшигини қоқиб келган аёлларга «Ростонбуви» бўлиб буғдой сўзимни айтганимда, ёшлар қалбига йўл излаганимда, ҳақсизлик рўй берган жойга етиб бориб, аёл ҳуқуқини ҳимоя қилганимда ва ёзганимда устоз Зулфия опа ҳамиша ёнимда бўлдилар. Ўргатдилар, талаб қилдилар, койидилар, кечирдилар, «Саодат» мактабини яратдилар.

Бу кун етмиш ёшга тўлган севикли «Саодат»им, онам, ҳамиша меҳрли бўл!

Санъат МАҲМУДОВА.

СУРАТДА: «Саодат»нинг бугунги жамоаси.

«САОДАТ»ГА ТЎЙХАТ

Сен бир қушсан, қанотингда
Номалар бор, хатлар бор.
Не қушсанки, патларингда
Нурёғар талъатлар бор.
Қанотингда қуёш ҳиди,
Қанотингда қор ҳиди.
Қанотингда сувга чўкмас,
Ўтда куймас қайдлар бор.
Қанотингда ишқ юртидан
Лайли айтган байтлар бор.
Мен ҳам айтдим гоҳо титраб,
Гоҳо кулиб айтдим мен.
Ҳур шамоллар сочим силаб,
Сайрон бўлиб айтдим мен.
Ўйламаки, тўзон бўлиб,

Ҳайрон бўлиб айтдим мен.
Жаннат боғин жилғаси-ю
Жайрон бўлиб айтдим мен.
Қизил гуллар ичра бийрон,
Комрон бўлиб айтдим мен.
Неки айтдим, бору жоним,
Ёруғ хаёл, ёруғ ўй.
Тавоф этдим саҳфаларинг
Мен бир шоир, дуогўй.
Дуоларим — суйган қушим
Тумор бўлсин бўйнингга.
Нондек ҳамроҳ бўлсин дея,
Шеърлар солдим қўйнингга.

Зулфия МЎМИН қизи.

ҚАҲРАМОН СУРАТИГА СЎЗ

Бухоронинг тош кўчаларидан кимлар ўтмаган? Бу шариф шаҳарнинг ҳар тоши, ҳар ғиштида бир афсона бор.

Машойихлар айтганлар: «Бухоронинг бир ғиштини қийшиқ деган одам куфрга ботур!».

Муаззам гумбазлар, Чор Бакрнинг тикланаётган янги қиёфаси. Лаби Ҳовуз бўйидаги меъморий силсила, Ситорайи Моҳи Хоссадаги хонаи сафед. Янги Бухоро жамоли. Барчаси инсон қўлининг мукаммал ва ҳашаматли санъати. Қадимий дарвозалар табақасидаги ўймакор гуллар, Бухоро аркининг салобати ҳар қандай сайёҳни мафтун этади.

Сўраб-суриштириб Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темирова ишлаётган зардўзлик корхонасига шундай хаёллар билан етиб борганимни ҳам билмай қолдим.

Кенг пешонали, оғир-вазмингина Аёл. Одатда пешонаси кенг одамлар бахтли, ризқли бўлади, дейишади. Ҳақ гап экан, дейман, Муяссар опанинг суҳбатини тинглаб. Катта хонадон тарбиясини олган Муяссарой зардўзлик касбини ҳавас қилиб, бу даргоҳга келганида ўн олти ёшлик қизалоқ экан. Миноларнинг нақшин нигорларини, ислимий баргларини, мунаққаш тоқларнинг бурама заррин тасвирларини зар ип билан матога тушириш учун зеҳн, сабру қаноат даркор ҳунарманд учун. Мусаввир Шарқнинг орзу чексизлиги, минг турфа жуғрофий белгилар мужассам бўлган шакллар, баргаклар, тўлқинли мавжлар, зар дўппиларнинг қуббалари, зарпардаларда офтобдай порлаган безаклар ҳайратдан, ёркин илҳомдан яралган.

ЗИЙРАКХОН.

Турмушимиз оғриқлари

УМР САВДОСИ ҚИЙИНДИР...

БИРИНЧИ ҲИКОЯ: ...Турмушимиз тинч ва осойишта эди. Бирин-кетин беш фарзанд кўрдик. Узимни энг бахтли аёл деб ҳисоблардим. Аммо, кейинчалик... Собир акам уйга келмай қўйди! На рўзғордан хабар олади, на болаларнинг уст-бошидан. Бир куни болаларни олиб бозорга чиқдим. Гўдакларимнинг каму кўстини бутладим. Қарасам, гўштга пулим қолмабди. Кичкинам «тарвуз олайлик» деб жанжал қилди. Уларни алдабовутиб, уйга қайтаётсак... ўғилчам «дадажон!» деб қичқириб юборди. Биздан сал нарида дадаси қўлида лиқ тўла иккита қоғоз-халта, бир аёл билан кетаётибди. Гўдаккинамнинг чинқиришини эшитмади, дейсизми? Эшитди, аммо қайрилиб қарамади.

Яқинда кенжатойимнинг қўлини ҳалолладик. Уч-тўрт оқсоқолни чақириб ош тортдик. Болагинам алангаю-оташда куйиб-ёниб ётибди-ю тилидан дадаси тушмайди. Мени жуда эзиб юборди... Ўртанча қизим дадасининг пайпоғини ювиб, сувқоғозга солиб қўйибди. Акаси кияман деса бермабди. «Дадам келганда киядилар», дебди. Шу қизим жуда меҳрибон эди дадасига, ҳозир ҳам шкаф эшигини очиб кийимларини ҳидлаганиҳидлаган. Тўнгичим мактабни битиряпти. Қолганлари ҳам ўлгайиб қолишди. Инсоф кириб қолар, деб ҳаммасига чидадим. Биласизми, бошимга шунча кўргуликлар солса ҳам кўнглим совумаганига ҳайронман. Қарғашгаям тилим бормайди. Болалари бор, бир куни қайтади, деб ўзимни ишонтиравераман. Анави аёлни яйратиб юрган машинаси аслида менинг номимга берилган. Ўзимга насиб этмаганини қаранг..

Яқинда ажралиш учун судга ариза берибди. Ажрайдиган эрим йўқ, дедим. Ёмон юрмасам, ёмон турмасам, бирор айбим бўлмаса. Бешта болали бўлиб, ўғли каттакон йигит бўлганида... кўнгилсиз эмиш. Кечалари худога нола қилиб, эримга инсоф тилайман. Уйга қайтишини яратганнинг ўзидан сўрайман...

ИККИНЧИ ҲИКОЯ: Манави хатларни қаранг. (Моҳпарча бир даста хатни олдимга суриб қўяди). Ҳаммаси ўша бегона аёлники. Икром акамга ёзган. «Асалим» деб бошлаган ҳаммасини, шу сўз билан авраган-да. (Моҳпарча йиғлайди). Икром акам буларни бир жойларга беркитиб қўйсаям майлийди-я, алам қилмасди. Атай менга кўрсатганига нима дейсиз? «Ўқи, мазза қил» эмиш. Хатларни ўқиб қай аҳволга тушганимни айтиб беролмайман. Эҳ... Бор айбим шу — далада ишлайман. Икром акам тўрт йил Тошкентда ўқиганда шу даладан ишлаб топган пулларим асқотди-ку. Рўзғордан тежаб-тергаб унга жўнатардим. Келганида ҳам уни олиб кийинг, буни олиб кийинг», деб қўймасдим. Унинг чиройли бўлиб юришига маҳлиё бўлибману ўзимни батамом унутиб қўйибман. Аслида шу уйни уй қилгунча, бунинг устига уч болани катта қилгунча ҳам аёл бўлдим, ҳам эркак... Икром акам қўлини совуқ сувга ҳам урмасди. Энди билсам, унга чексиз меҳр кўрсатаман деб ўзимни кун сайин хор қилаверибман.

У ўқишни битириб Фарғонада ишлай бошлади. Қишлоққа ҳар ўн беш кунда келиб кетади. «Болалар соғинишяпти», десам «иш кўп», дейди. Онам қарз-ҳавола қилиб тумандан уй олиб берди. «Меҳр кўзда, қийналсанг ҳам ёнида тур» деди менга. Кўндим. Лекин Икром акам бизни қийинқистовга олиб қишлоққа жўнатаверарди. Бир куни нимадир бўлиб қишлоққа кетолмай орқага қайтдим. Болаларнинг бирини кўтариб, бирини етаклаб уйга кириб келсам... у бир бегона аёл билан дастурхон тузаб, ўйнаб-кулиб ўтиришибди. Дастурхонда ичкилик, яна алланималар... «Одамлардан эшитганимга ишонмагандим, рост экан-да». Миямга қон урди, анави аёлнинг ёнига учиб бордимми, югуриб бордимми билмайман. Бирпасда қий-чув бўлиб кетди. Мени ундан базўр ажратиб олишди. Икром акам менга бақира кетди: «Уялмайсанми, бу менинг бир таниш опам-ку, иш билан келган олдимга!». Ишонмадим. Иш билан келган аёл шунақа аҳволда ўтирадими?

Жанжал ҳам ўтди. Орамизга совуқчилик тушди. Икром акам болаларни ҳам эркалатмай қўйди. Майли дедим, тишимни-тишимга қўйдим. Бир куни уйга хурсанд бўлиб кириб келди. Ҳаммамизга яхши гапирди. Болалар ухлагач, менга «Моҳи, бирор йил қишлоққа бориб яшаб ўтгин, кейин ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ишимни юргизиб олай», деди. Гапига лаққа тушиб, эртасига қишлоққа кўчиб кетдим. Кейин эшитсам, хато қилган эканман. Икром акам ўша «опа»сига уйланиб олибди! Суд бизни ажратди. Нега? Нега суддагилар ўша бегона аёлга жазо бериш ўрнига бизни тинчгина ажратиб юборди. Наҳотки қонунларимизда ҳам фақат ўзининг кўнгил истагини бажарадиган, бировларнинг оиласига суқилиб кириб, болаларини зор қақшатадиган суюқоёқ аёлларга бирор чора белгиланмаган бўлса?

Юборадиган нафақаси қуриб кетсин. Пул ота бўладими? Пул болаларимнинг ўксик қалбларига малҳам бўла оладими? Йўқ! Мен бошимга тушган бу кўргуликни душманимгаям раво кўрмайман...»

Сиз икки аёлнинг тақдиридан огоҳ бўлдингиз. Балким, икки юз аёлнинг тақдиридир бу... Қаранг, бу ёқда норасида болалар отасини соғиниб ичикса, аёл эса гуноҳи нелигин билолмай фиғонидан ўт чиқса, у ёқда эса эркак оталик ва эрлик бурчини батамом унутганича бошқаси билан ялло қилиб юрса? Наҳот турмушимизда эркакларнинг елкасидаги юк шунчалар енгилу, уни осонгина итқитиб ташлайвериш мумкин бўлса? Наҳот, бир оила ҳамманинг кўз ўнгида пардек тўзиб кетаверса?!

Аждодларимиз оилани жуда муқаддас санаганлар. Ажралиш у ёқда турсин, оддийгина ғидибидиларнинг ҳам тезгина олдини олишга ҳаракат қилганлар. «Бир кун жанжал бўлган уйда қирқ кун барака кўтарилади», деган нақлни ҳеч вақт унутишмаган. Қайсики, оилада урушжанжал бўлиб қолса, қариндошуруғлар уни дарров бартараф этишган, «оила сири кўчага чиқмасин», дейишган.

Маҳфуза УСМОНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
Қатнаш ҳаққи эвазига

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Ҳайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-12-56; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0546.

Навбатчи муҳаррир Х. ИКРОМОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.